



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 04
(875)
2024 йил
25 январь,
Пайшанба

@jamiyatgzt@mail.ru

МАҚТАНЧОҚЛИКНИ ТЎХТАТАЙЛИК

Англияда ўқиётган ўзбекистонлик талабанинг
таълим тизимимиз ҳақидаги фикрлари



Жадидлар ибрати



Бир асрдан сўнг
хизматлари улуғланди

Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака кўчаси, 47-уйда бутун умрини чўғ устида юриб ўтказган жадид боболаримиздан бири — Маҳмудхўжа Бехбудий яшаган. Айнан шу ерда воҳадаги илк пьеса дунё юзини кўрган ва шу хонадонда спектакль шаклида ижро этилган, шу ерда шаҳарда илк бор барча учун эшиклари очиқ кутубхона ташкил этилган, шу хонадонда ҳудуднинг илк газетаси чоп этилган ва унда ўткир, долзарб мақолалар битилган, шу ерда усули жадид мактабларининг тамал тоши кўйилган, дарсликлар ёзилган... Бундай заҳматли меҳнатларни санабгина адоғига етолмайсан киши.

Ушбу уй-музей мамлакатимиз раҳбарининг куйидаги фикрларидан сўнг 2021 йилда ташкил этилган: “2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани

ЧЎҒ УСТИДА КЕЧГАН УМР

«Ҳоло ойинаи жаҳон статистикаларига боқилса, мусъатча (ҳудуд) Бухорони тўртдан бири, нуфусга (аҳоли сонига) тақрибан баробар, Сербия мамлакатини 2 миллиён халқи учун 60 тадан зиёда газета нашр бўладур. Инчунин, 2,5 миллиён японий грекларни 200 зиёда газетаси бордур. 3 миллиёнга яқин Хива, Бухорони бир адад газетаси йўқдур. 9 миллиён Ўрта Осиё мусулмонларини бир газетаси, (тагин) бир газета чиқармоққа салоҳияти, истеъдоди йўқдур!

*Ҳайҳот! Ибрат лозим!”
(Маҳмудхўжа Бехбудий)*

қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг кадрини англаб етади”.

Президентимизнинг айнан шу фикрларидан сўнг Бехбудий ҳазратлари «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди ва буюксак мукофотни унинг эваралари қабул қилиб олишди.

Мана, шу тарихий ҳодисага ҳам икки йил бўлди. Аслида, бу маскан маърифат сочувчи, ижодкорларнинг доимий бораргоҳи бўлиши керак. Бу маскан сизни ўтмишга чорлайди, жадидларнинг ҳаётига, фаолиятига турли призмалардан яна бир назар ташлашингизга имкон беради. Сизга куч беради, бугунингиз ҳақда хулоса чиқаришга кўмакка келади.

Қарийб етти сотих майдондаги уй ва ҳовлидан (аслида, 21 сотих бўлган, айни пайтда

қолган майдонлар ҳам уй-музейга ажратилиши учун саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда) иборат музейда нафақат Бехбудийга тегишли бўлган ашёлар, балки ўша пайтдаги жадидлар ҳаёти ва фаолиятини кўрсатиб берувчи юзга яқин экспонат мавжуд.

Бехбудий ким эди?

Буюк маърифатпарвар, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургиясининг асосчиси, ношир, журналист, XX асрнинг бошларидаги Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг йирик намояндаси ва жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси — Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йилда Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида дунёга келган, — дейди уй-музей мудири Гулмамат Аҳмедов. — Маҳмудхўжа Аҳмад Яссавий сулоласидан бўлиб, отаси Бехбудхўжа, бобоси Солихўжа ва катта бобоси Ниёзхўжа Самарқанднинг нуфузли оилаларининг намояндаси бўлганлар, қорилик ва имомлик билан тирикчилик қилганлар.

Маҳмудхўжа Бехбудий 6-7 ёшларида Самарқандда катта тоғалари Муҳаммад Сиддик ёрдамида хат-савод чиқаради. Кейин отаси Куръонни ўргатади. 15 ёшида тоғаси муфтий Одил ҳузурда илм олишга киришади. Бу ерда у араб тили грамматикаси ва замонавий фанларни ўргана бошлайди.

(Давоми 3-саҳифада)

МАҚТАНЧОҚЛИКНИ ТЎХТАТАЙЛИК

Англияда ўқиётган ўзбекистонлик талабанинг таълим тизимимиз ҳақидаги фикрлари



(Бошланиши 1-саҳифада)

Лондон ҳақида қисқача: бу ерда тили буро, тадбир уюштириб «Фаол» бўлишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Очиғи, мен ҳиндлар, хитойликлар, корейс ва япон талабаларини кўриб, уларнинг билимларига тан бердим. Улар билан таққослаганда, шунчаки бўм-бўш мия билан магистратурага келиб қолганимни тушундим. Масалан, гуруҳдагиларнинг барчаси математикани «сув қилиб ичган». Шунчалик мураккаб тенгламаларни улар мактабларидан ўрганиб келишганки, мен уларга ҳалиям ета олмапман.

Компьютерни, офис дастурларини, ҳар хил программа ва дастурлашни ўзимча

яхши биламан десам. Бутун гуруҳ, ҳа ишонинг ҳар бири мендан яхши билади.

Дунёқараш жиҳатидан ҳам биз Марказий Осиё талабалари оқсоқ эканмиз. Улар шунақанги дунё таниган брендларни эгаларидан тортиб, улар нима ишлаб чиқарадию, қайси маҳсулоти яхши эканини билишади. Мен эса ҳалиям кофе турларининг фарқига бормайман.

Сиз ўзингизни Ўзбекистонда туриб «Келажак бизники, шу туришимда Ўзбекистонни дунёга танитаман», деманг. Мен шунақа деб хато қилганимни билдим. Биз ростдан юртимизни юқорига олиб чиқмоқчи бўлсак, ростдан ўқишимиз керак. Лондонга келиб билдим. Биз орқада эканмиз, кўп соҳада. Давлат сиёсати ёки иқтисодий нуқтаи назардан эмас, оддий мактабдаги асосий фанлар кўникмаларидан уларни амалиётга татбиқ этишгача ортдамиз.

Бизнинг яна энг катта айбимиз, бу номзодларга катта рағбатлар беришимиз. Мисол учун: Навоий, Бегуний ва Зулфия номидаги мукофоту стипендияларни оладиганлар ке-

либ, Нью-Йорк, Лондон, Токио ёки шунга ўхшаган шаҳарлардаги бизнес марказлардан юқори лавозим тугул қабулхонага ҳам ишга кира олмайди. Нега? Чунки у ерда биздаги «фаол талаба»дан олдин ҳинд ёки хитойлик ишга кириб бўлган. Ундан устун бўлиш учун «Компаниям — фахрим» дея тайёрлаб келган роликларингиз мутлақо ўтмайди.

Лондонда яхши офис ишига киришингиз, осмонўпар бинода ишлашингиз учун росткам, юзма-юз суҳбат бўлади. Улар сиздан ютуқларингизни умуман сўрамайди. Улар илм сўрайди. Уларга сизнинг 2 та мақола орқали ҳар кимга бериладиган Қозоғистоннинг хусусий кўкрак нишонлари умуман аҳамиятсиз.

Хулоса шуки, сиздан илтимос: «Мен энг фаол, энг зўр талабаман» деманг. Англияда сиз тенгилар кўп ва улар сизу бизнинг келажакдаги иш жойларимизни эгаллаб, қўлимиздан олиб бўлишмоқда...

Ўқинг, биродар...

Аҳмаджон ЎРИНОВ.

«Фаровонлик юртдошларимиз ҳаётига кўчмоқда...»

Эътибор бераётган бўлсангиз, бугунги кунда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, юқори давлат органи ходимларининг чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг яшаш шароити билан танишиб, муаммоларини эшитаётгани юқоридаги фикримизнинг ёрқин далили бўлажак. Зеро, аҳолиси тинч мамлакатнинг ривожланишида унум, топганида барака бўлади.

Бу борадаги ишлар, шунингдек, Тўрткўл туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан ҳам амалга оширилиб, сектор ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти ҳамда мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юқори кўрсаткичларга чиқди.

Жумладан, маълумотларга юзланадиган бўлсак, Тўрткўл тумани ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхонасига йил давомида 5485 та (2022 йил шу даврда 5418 та) масала келиб тушган бўлиб, шундан ижобий ҳал этилгани 2025 та — 36.9% (2022 йилда 2229 та — 41.1%).

Шундан, Тўрткўл туман Халқ қабулхонасига 2023 йилда фуқаролардан жами 574 (2022 йилда — 640) та мурожаат келиб тушган бўлиб, 678 (765) та масала кўтарилган. Шундан ҳудуддаги ташкилотларга юборилган масалалар 546 (624) та, юқори ташкилотларга юборилган 108 (113) тани, Халқ қабулхонасида кўриб чиқиш учун қолдирилган 24 (28) тани ташкил этган.

Кўриб чиқиб, қаноатлантирилган мурожаатлар сони 583 (643) тани ёки

86% (84%) ни ташкил этган бўлиб, шундан ижобий ечимини топганлар 254 (221) тани, ҳуқуқий маслаҳат ва маълумот бериш орқали ҳал қилинганлар 321 (422) тани, узок муддатли назоратга олинган 8 (0) тани ташкил этган бўлса, 77 (93) тасига тушунтириш берилган, 0 (1) таси рад этилган, 2 (5) таси тугатилган, 35 (4) таси қолдиқда қолдирилган.

Ушбу даврда аҳолидан энг кўп мурожаатлар уй-жой билан таъминлаш ва таъмирлаш масалалари, моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа масалаларида, давлат органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозилик, бандлик ва соғлиқни сақлаш масаласида келиб тушган.

Аммо аҳоли билан ишлашда масъулиятсизлик қилаётган ташкилотлар ҳам учраб турмоқда. Оқибатда, кўрилатган таъсир чораларга қарамадан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жами 141 та мурожаатларнинг кўриб чиқиш муддатлари бузилган.

Шундан, ташкилотлар кесимида: Тўрткўл тумани ҳокимлигида 112 та, Тўрткўл туман камбағалликни қасқартириш ва бандликка кўмакла-

шиш бўлимида 15 та, Тўрткўл туман оила ва хотин-қизлар бўлимида 5 та, «Қорақалпоқ сув тармоқлари» Тўрткўл туман филиалида, туман тиббиёт бирлашмаси, туман электр тармоқлари корхонасида 2 тадан, туман маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказида, Тўрткўл туман ИИБда, туман прокуратурасида 1 тадан мурожаатни кўриб чиқиш муддатлари бузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 19-бандида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари томонидан ҳар ойда бир марта маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилган ҳолда, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлигини ўрганиш, натижаларни Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш» топширилган.

Ушбу топшириққа асосан туман Халқ қабулхонаси томонидан Халқ депутатлари туман Кенгаши жойлардаги Ҳоким ёрдамчилари фаолияти бўйича 12 та ахборот киритилган бўлиб, натижада, 79 нафар Ҳоким ёрдамчиларига фаолиятида йўл қўй-

ган хато ва камчиликлари юзасидан огоҳлантириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тўрткўл туманидаги Халқ қабулхонаси 2023 йил учун тасдиқланган Иш-режага мувофиқ Тўрткўл туман мактабгача таълим бўлимида, Тўрткўл тумани халқ таълими бўлимида, Тўрткўл таъминот» МЧЖ Тўрткўл туман филиалида, «Қорақалпоқ электр тармоқлари» филиали Тўрткўл туман бўлимида, «Қорақалпоқ ҳудудий газ тармоқлари» АЖ Тўрткўл туман бўлимида мурожаатлар билан ишлашиш юзасидан ўрганиш олиб борди.

Шу билан бирга, мурожаат қилган 15 нафар фуқарога янгидан суюлтирилган газ баллонлари берилган бўлса, 164 нафар фуқаронинг мурожаатига асосан алимент пуллари ундириб берилган.

Кўриб турганингиздек, Тўрткўл туманида 2023 йил давомида кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилди. Натижада, минглаб юртдошларимизнинг оиласига фаровонлик, турмушида файз ҳукм сураётир. Шундай экан, ҳар бир раҳбар аҳоли билан ишлаш борасидаги ташаббусларга кўпроқ эътибор бериши зарур. Шунда юртдошларимиз биздан рози бўлиб, ишимизга ривож ва унум бўлади.

А.ОРАЗБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Тўрткўл туманидаги
Халқ қабулхонаси мудир.

ЧЎҒ УСТИДА КЕЧГАН УМР

(Бошланиши 1-саҳифада)

1889 йил Чашмаобод қишлоғида қозилик қила бошлаган тоғаси Муҳаммад Сиддиқнинг ҳузурда мирзалик қилади, шунинг баробарида муфтиликка тегишли бўлган шариат қондаларини ўрганади. Кейинчалик иш фаолиятини Кобут волости (бугунги Самарқанд, Тойлоқ ва Жомбой туманлари ҳудуди) да мирзаликда давом эттирган. Ўқиб-ўрганишга бўлган иқтидори туфайли ўз даврининг юксак эътиборли лавозими — муфтилик рутбасига эришди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳатто бугун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари тарихини ҳам Бехбудий билан боғлашга уринишлар мавжуд. Негаки, айнан Бехбудий ўғирлик учун қўли кесилган киши оиласига, жамиятга қанчалик зиён келтиришини рақамларда ҳисоб-китоб қилиб беради ва афв тушунчасини киритади.

1899 йили Махмудхўжа Бехбудий Ҳаж сафарига чиқади ва бу сафар саккиз ойга чўзилди. Махмудхўжа Бехбудий сафар давомида турли мамлакатлар аҳоли, воқеа-ҳодисалардан воқиф бўлади, дунёқарашни кенгайтириши ва фикри ўзгаради. Туркистондаги сиёсий жараёнларни ҳар тамонлама таҳлил қилиб, Оқ пошшо мустамлакаси остида бир неча ўн йиллар давомида ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қулга айланган халқ билан озодликка чиқиш мумкин эмаслигини англаб етади.

Ана шу сафари даврида Махмудхўжа Бехбудий Туркистоннинг Чор Россиясидан озод бўлиш йўллари қидирди ва Самарқандга қайтгач, ўша замоннинг дунёқарашини кенг бўлган инсонлари билан тарихимизнинг таназзул босқичлари ва сабаблари юзасидан мунозара ва тафтишлар олиб боради.

Махмудхўжа Бехбудий ўз юртининг озодликка эришиши учун, энг аввало, озод юртни бошқара оладиган ва ўз юртини ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади янги авлодни тарбиялаш зарурлиги ғоясини олдинга суради ва шу ғояларни амалда татбиқ эта бошлайди.

1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи ва Ражабамин қишлоқларида домла Сиддиқий ва домла Шақурий билан ҳамкорликда янги мактаблар очади.

Бехбудийнинг биргина невараси ҳаёт

Музейда Бехбудий асарлари, чиқарган газеталарининг илк сонлари, ўша даврга оид жиҳозлари мавжуд ижодхонаси, ўзи ташкил этган кутубхона, усули жадид мактабларининг кўриниши, ўша даврларда труппаларнинг тайёрланиши учун саҳнали зал ҳамда Бехбудийга тегишли бошқа буюм ва ашёлар, шу-

нингдек, Самарқанд давлат университетининг Махмудхўжа Бехбудий меросини ўрганиш илмий-тадқиқот лабораторияси ҳам мавжуд. Жадид бобомиз фойдаланган китоблар, лавҳ, қўл ёрдамида ишлатиладиган литография дастгоҳи эса ўша пайтлар Германиядан келтирилган.

Музейни айланарканмиз, Бехбудий оиласи билан боғлиқ фактларни кўздан кечирдим. Бугунги кунда у кишининг эваралари, хусусан, Шохрух, Заррух Бехбудийлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўп маълумотлар берилган. Аммо у кишининг ягона невараси ҳам бугун ҳаёт эканини шу музейда билдим. Билдиму, дарҳол Самарқанд шаҳри Қўштамғали маҳалласи томон йўлга тушдим.

Музей ҳақида бир ноҳуш ва хушхабар

Ҳали Назирхон Бехбудий билан суҳбатимни келтиришдан олдин музей ходимларидан сўраб олганим, бир фактни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бугун мазкур муассаса маърифатпарвар боболаримиз ҳаётини акс эттириб бера оладиган даражада жиҳозланган. Бу ерда амалий дарслар ўтиш учун ҳам яхши имконият бор. Аммо афсуски, шу атрофдаги тўрт-бешта мактабдан ташқари бу ерга бошқа таълим муассасасидан зиёратчилар келмас экан. Ваҳоланки, вилоятда мингдан зиёд таълим муассасалари бор, уларнинг барчасининг дарсликларида жадидлар фаолияти билан боғлиқ мавзу бор.

Музейга оид яна бир янгилик — Бехбудий хоки қаердалигини аниқлаб, уни шу ерга келтириш ва рамзий қабрини ҳамда бюстини барпо этиш режалаштирилмоқда. Бехбудий ўлими билан боғлиқ маълумотлар ҳам ўша давр газетасида қайд этилган. Хусусан, Ҳожи Муин Шукруллоҳ «Инқилоб» жаридасида Бехбудий ҳазратларининг қандай шаҳид бўлгани ҳақида шундай ёзади: «...бек (Қарши беки) Бехбудий афанди ва йўлдошларини ҳам ўлдурга буюрган ва алар зиндоннинг ёнидаги подшоҳлик чорбоғига юборилгандир. Шунда аларнинг қатллари ўзларига билдурилгон ва ўзлари учун шу ёғда тўрт қабр қоздирилгон. Сўнгра Бехбудий афанди ва Ёлдош таҳорат олиб, намоз ўқишмоқчи бўлганлар. Лекин шул чоғда раҳимсиз жаллод муовинлари ила етиб келиб, аларни намоз ўқурга қўймагон ва энг аввал Бехбудий ҳазратларини жойнамоз устида бошини кесган, сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шаҳидларнинг жасадларини чиқариб, ўзлари қозгон қабрларида қўмганлар ва қабрларини (билинмасун деб) ер ила текис этганлар.»



«Бобомнинг кимлигини мустақиллик туфайли англадик»

Бехбудийнинг бугун ҳаёт қолган ягона невараси Самарқанднинг қадим маҳаллаларидан бири — Қўшҳовузда истикомат қилар экан. Дарвоқе, унинг авлодларига юқоридаги уй-музейда яшаш насиб этмаган. Бунинг сабабини англагандирсиз, аммо суҳбат давомида буни айтиб ўтамиз.

Назирхон ота билан суҳбатимиз асосий жиҳозлари боболарининг суратлари туширилган камтаргина хонада кечди.

— Бобом Махмудхўжа Бехбудийнинг тўрт нафар фарзанди бўлган, тўнғичи менинг отам Маъсудхон, аммам Сурайё, Маъсудхон ва Маълубхон, — дея гапириб беради Назирхон Бехбудий. — Афсуски, бир ўғиллари ёшлигида, оғир хасталикдан вафот этади, иккинчи ўғиллари урушда бедарак кетади, у кишининг ҳеч бўлмаса қабрини узоқ йиллар изладик, аммо натижа бўлмаганди. Шу тариқа, Бехбудий авлоди тўнғич ўғли Маъсудхон фарзандлари орқали давом этди. Отамнинг тўрт ўғлидан бириман, катта акаларим — Митҳат, Шавкат, Надимхонлар бу фоний дунёни тарк этдилар. Бобом Махмудхўжа Бехбудийнинг улуғ инсон эканликларини фақатгина филология фанлари доктори, профессор Надимхон акам яхши англаганлар. Илк марта 1983 йилда бобом ҳақида мақола чиққанда жуда ҳайратга тушганмиз.

Билишимча, отам бобомнинг фожиали ҳалокатидан сўнг турли таъқибларга дуч келмаслик учун мана шу ҳовлига кўчиб келиб, яшай бошлаганлар. У кишининг барча мол-мулки мусодара этилган. Ва бобом ҳақида деярли гапирмаганлар, кўча-кўйда оғзимиздан гап чиқиб кетишидан чўчиганлар, шекилли. Отам Маъсудхон бобомнинг тарбиясини олганлар ва ўзлари ёзганларидек, тўрт тилда бемалол сўзлашганлар. Болалиги ўтган ўша уйда уларга махсус ўқитувчилар рус, француз тилларидан дарс берганларини айтиб берганлар. Отам билан аммам Парвинанинг ҳар замон француз тилида сўзлашганларига ўзим ҳам кўп гувоҳ бўлганман. Отам бу ердаги таъқиблардан қочибми, ё бошқа сабабми, Душанбедаги педагогика институтида таржимон бўлиб ишлаган. Оиласи, яъни биз, шу ерда, у киши ҳар неча ойда бир келиб кетарди. Айтишим керак, онам Саида ҳам мактаб кўр-

ган, хат-саводли аёл эдилар. Онанинг оналари, яъни бувим кизларнинг хат-саводини чиқарганлар, ўзлари Ҳофиз девонларини ёддан билганлар, дейишади.

Уларнинг турмуш қуриши ҳам кизик бўлган. Бобом, Махмудхўжа Бехбудий тўнғич ўғли, яъни отамга келин излаганларида онамнинг тоғалари жиянларим бор, истасангиз кўринг, деганлар. Шу тариқа, онамга совчи қўйганлар. Бувим, яъни онамнинг оналари аввалига қаршилиқ кўрсатганлар «Йўғ-а, кофирга қиз бермайман», дея. Буни қарангки, оддий аҳоли орасида маърифатпарвар бобомизнинг жон қуйдириб қилаётган меҳнатлари мана шундай маъно касб этган. Катта тоғам Бехбудий оиласидаги вазиятни тушунтиргач, тўй бўлган. Онамнинг айтишича, бобом, жуда салобатли, тик қараб гапиришга одам ҳайикадиган киши бўлган экан. Қаерга бормасинлар, одамлар у киши билан кўришиш учун беихтиёр ўринларидан турар эдилар, дея эслайди у онам.

Отам узоқда кўп бўлганлари учун асосий тарбияни онамдан олганмиз. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан бобомнинг номи ҳамон авлодларига муҳрланиб келаётган бўлса керак. Ҳозир чевараларидан бирининг исми Махмудхўжа Бехбудийдир.

Отахон билан гаплашарканмиз, Бехбудийнинг эвара, чеваралари катта боболари истагандай икки эмас, тўрт тилда бемалол сўзлашганларидан хурсанд бўламиз. Кичик Махмудхўжа эса катта бобосининг издоши бўлса не ажаб?!

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Республика маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида жадид боболаримиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди: «Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз кураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий».

Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир».

Мақолага бундан ортик хулоса бўлмаса керак.

Гулрух МҶМИНОВА.

“Ассалому алайкум, ўғлим Абдулазиз!

Ўғил туғилганда бутун оила, қавм-қариндош — ҳамма бир бошқача қувонади, оналарнинг оталар олдида юзи ёришади, айникса, оталар ичига сиғмай, кўнгли тошиб кетади, бутун юртга ош беради, юртнинг ошини кўп еганман, мана, менинг ҳам ош берадиган куним келди, дейди. Сен туғилганда отам мен туғилган куним нималарни ҳис қилганини англагандай бўлдим.

Қиз бола ўғил боладан кам эмас, болам. Сенга айтаман, қиз отага ўғилдан ҳам кўра дилдан яқинроқ, шафиқроқдир. Лекин инсон ўғилга бир айрича севинади.



БИРИНЧИ МАКТУБ: ЎҒИЛ ВА ҚИЗ



Машраблар оила қилмай тўғри қилган, бизга шу миллат, шу халқ дарди ҳам етарди...”, дедилар. Албатта, бу Ромизники каби буюк қалбнинг оний исёни эди. Эрга тегмасам, бу гўзал бола бўлмасди, Аллоҳ бир муддатга берганини, биз жон қадар севганимиз жону дилбандимизни олиб қўйганда, адо бўлмасдик, деган ўй эди бу. Лекин ҳаёт давом этади. Елкамиздаги юкни кўтаришда давом этамиз.

Ўғил бола кўрганига нега айрича қувонади инсон?!
Ҳеч нарса бежиз бўлмас. Бунда ҳам бир асос бордир...
Мен Ургутнинг кескин чўққилар пойидаги тоғ қишлоғида туғилганман, вояга етганман. Бу ерда ҳамма нарса шу тоғ қирралари каби кескин, ҳатто сўз кам чўрткесар ва бешафқатдир, чунки ростдир. Ургутда қизми ё ўғилми, деб сўралганда, қиз туғилса: “Тўянда туғилди”, ўғил туғилса: “Тобуткаш туғилди”, — дейдилар. Бунинг маъноси инсон ўтганда қизлари дод-войлаб, ота-онасининг қандай меҳрибонлигини айтиб-айтиб йиғлайди, айтувчи “гўянда” бўлади, лекин тобутни кўтармайди, жаноза ўқиб, қабристонга бормади. Ўғил бола эса “тобуткаш” бўлиб, тобутни кўтаради, ота-онасининг совуқ танасини кўтариб, ўз кўли билан қабрга қўяди. Ургутликларнинг: “Қиз ҳар кун керак, ўғил бир кун керак”, — деган яна бир чўрткесар сўзи ҳам шу маънодадир, яъни қиз меҳрибон бўлади ва бир умр силлаи раҳм кўрсатади, ўғил бир кун — тобутни даст кўтарадиган, инсоннинг руҳи аршга кўтарилиб, ечиб қўйилган қўйлақдай бўш танаси ерга бериладиган кун керак бўлади. Шу бир кунги хизмати учун ҳам ўғилга шод бўлса, арзийди, эҳтимол.

Лекин ўғил бола бўлмоқнинг

бундан залварли катта юки, масъулияти бор.

Сен дунёга келгунингча, тангрим менга учта қиз — Чарос, Раъно ва Шаҳлони берди. Уларнинг ҳар бири дунёга келганда шу дунёларга сиғмай қувонганман. Шукр қилганман. Шу вужудимнинг атрофимда чуғурлаб, бижирлаб юрган бир парчаларидан адоқсиз фароғат оғушига тушганман. Шуларни берганига ҳам неъматлари учун қарздорлигимни ҳис этганман. Бошқа бермаса ҳам, заррача даъвогарликка ҳаққим йўқлигини

чақиб берганда қизил аскарлар томонидан ушлаб ўн саккиз ўқ билан отилган, илма-тешик қўйлақлари хонадонимизда сақланадиган Ибодуллага кўрбоши бобонга, Испанза йўлида ўлдирилган, чавандоз ва “босмачи” Баҳриддин бобонга, қулоғинга азонлар айтган, қирқта дoston ва 200 термани ёддан бизга айтиб берган отам — Ҳақим бобонга муносиб бўлгин. Боболарингнинг кўпи отда юрди, шаҳид бўлди. Бугун машина миниб, сокин тўшакда ўладиган кунлар келди. Лекин ҳали миллатнинг

билардим. Халқнинг Холик олдида, яратилганнинг Яратганнинг олдида заррача давоси бўлмайди. Фақат инсоний орзуим бор эди, умидвор эдим.

Энг кичик қизим ҳам ўн иккига кирганда, ёшим элликка яқинлашганида Аллоҳ сени берди, шукрим бениҳоядир.

Ўғлим, эркакликнинг юксак мартабаси каби юксак масъулияти ҳам бор. Бу номни шунчаки кўтариб юрганлар эркак эмасдир, бу шарафни буюк аждодларга хос шараф билан оқлаб яшамоқ керак.

Сен туғилганда, аввало, тундаёқ Ургутга — отамга хабар қилдим, оқшомдаёқ тоғдан воҳага тушиб, йўл босиб, тонгда Тошкентга келдилар. Докторларнинг таъқиқига қарамай, олдинга кирдилар, пешонангга ўпдилар, ерлар таҳоратсиз деб маҳси билан тўшагингнинг устига чиқиб, кўзда ёш билан, овозлари титраб, қулоқларингга азон айтдилар ва исмингни “Абудулазиз” деб қўйдилар. Боланинг қулоғига биринчи кирган товуш Азон овози бўлсин, кейин дунё сасларини эшита бошлайди, дедилар. “Энди Ургутда элга тўй берасан!”, дедилар. Ҳозир ҳам аршдаги Барзаҳ воҳасида бошқа диндошларимиз, аждодларимиз билан руҳлари Сен ва мени кузатиб турибди. Мени — отангни қўявер, Шаҳрисабдан Ургутга туша туриб, Омонкўтондаги чинорлар остидаги чашма суфини кафтларига олиб: “Энди менинг авлодимдан полвонлар эмас, уламолар чиксин”, деб дуо қилган ва юзларига суртган Мулло Қори Ашур бобонга, ул зотнинг фарзандлари, Ургутдан илк бор пиёда ҳажга борган ва бир йилда бориб-қайтган Мулло Рустам Охун бобонга, ул зотнинг фарзандлари, Ургут муфтийси бўлган Мулло Саидкул Махсум бобонга, ул зотнинг фарзандлари, миллат учун курашган, тунда болаларини кўриш учун тоғдан тушганда, сотқинлар

тулпор миниб, ақлу шижоат билан ҳал этиладиган дардлари кўп. Шу сафда бўлгин.

Аввал ҳам қайдадир ёзгандайман: қиз нафис ва раҳмли бўлади, ўғил қаттиқ ва жасур бўлади. Улар ҳаёт мевасининг данаги кабидир, қолаверса, йигит ва қизнинг никоҳидан янги ҳаёт дунёга келади. Эркак данакнинг пўсти, аёл мағзидир, пўсти қаттиқдир, мағзи юмшоқдир, агар қаттиқ пўст ҳимоясида бўлмаса, мағзи асраб қолинмайди, чириб кетади ва, агар мағзи юмшоқ бўлмаса, ҳаёт ниҳоли кўкармайди. Шунинг учун, эркак қаттиқроқ бўлади ва аёл юмшоқроқ бўлади.

Эркак дагал, қаттиқ бўлса, аёл майин ва нафис бўлади. Эркак гўё тишдир, аёл тилдир. Эркак қаттиқроқ нарса келса, тиш каби чўрт кесади, тишлаб узади, аёллар тил каби кўп сўзлайдилар, бунга ҳам кенглик қил. Кексайганларнинг оғзига қара, қаттиқ тишлар тўкилиб бўлган, юмшоқ тил эса турибди. Юмшоқлик узоқ яшаининг йўлидир. Аёллар эркаклардан узоқроқ яшаини илм ҳам, ҳаёт ҳам кўрсатиб турибди. Ҳаётнинг асоси азалий яратилишдан мурдаони қандай бажариш биландир, умрнинг узун-қалталиги билан эмасдир.

Ўғлим, аёллар бизга Аллоҳнинг омонатидир. Уларнинг инжиқликларига кенг бўл, эркаклик мартабасини баланд тут.

Кенглик... Олимлар аниқлаши-

Неғалигини ўйлапман шу онда. Аллоҳ бериб ҳам синайди, бермай ҳам синайди.

Банда берганига шукр қилади, бермаганига сабр қилади ва шу билан синалади.

Фарзандинг бўлмаса, ўғил-қизлилар олдида гўё хижолатсан. Ҳеч нарса демаса-да, эркаклиги бормикин, деб ўйлашларидан эзиласан. Қизинг бўлса, ўғли борлар олдида ерга қараб ўтирасан. Ўғлинг бўлса, ҳаммининг олдида гурурланасан.

Буларнинг барчаси иймонимизнинг сустигидандир. Аллоҳнинг тақдирига итоат қилмоқ керак. Аллоҳ бировга қиз фарзанд беради, бировга — ўғил, яна бировга — ҳам ўғил, ҳам қиз беради. Бировга эса умуман фарзанд бермайди. Ҳар тирик жон синовдадир. Фарзандли ҳам, фарзандсиз ҳам бирор банданинг олдида хижолатли эмасдир.

Хижолатли ёки шодумон қиладиган нарса фарзанднинг қандай инсон бўлиб вояга етишидир. Ўғил ҳам, қиз ҳам — агар солиҳ, жасур, хуш хулқли бўлиб вояга етсалар, ота-онага, миллатга ва инсониятга шараф келтирадилар. Агар улар жоҳил, ёвуз, бевурд, дилозор кимсага айлансалар, ота-онага ҳам, миллатга ҳам, одамликка ҳам иснод келтирадилар. Ота-она: “Эй, Тангрим, фарзандсиз қилсанг ҳам майли эди!” — деб юборади.

Менинг жасур Ҳалима опам, буюк шоирамиз Ҳалима Худойбердиева жувонмард ўғиллари жувонмарг бўлиб навқирон ёшида вафот этган кунларда, менга, сал олдин ўн саккиз ёшли қизини ерга топширган отага: “Каримжон, акангизга тегмасам ҳам бўларкан, шу дунёга келмасак ҳам бўларкан”, — деб юбордилар. Кейин: “Навоий,

ча, ўғил болалар узокни кўради, қизларда яқинни кўриш қобиляти кучли, улар шовқин, талотўплар ичра яшайди, қиз болалар эса эътибор, эркалаш, меҳрга чанқок бўлади. Қиз болалар бир чекланган ерни танлаб, шу ерни обод қилишга ҳаракат қилади, ўйинчоқ уйча куради, уни ичини ашқол-дашқолларга тўлдирди, ҳаёт мухитини шу бир парча жойда барпо қилади. Ўғил болалар кенгликка интилади, улар бир ерда сиқилиб қолади, янги-янги кенгликларга талпинади.

Табиатан шундайки, аёл ҳаёт бахш этади ва унинг мақсади яшовчанликдир, эркак эса зобитдир, янги ва янги маконларга, тараккиётга, очилмаган сирларни очишга талпинади.

Болам, ўғил болалардан татқиқотчилик, фаоллик, мустақиллик, жасорат, қатъият, ҳиссиётни жиловлай олиш, сабр талаб қилинади. Қизларда, аксинча, нафосат, ҳиссиёт, шафқат, силлаи раҳм, итоат, меҳрибонлик кадрланади.

Қиз бола тез-тез йиғлаб туради, ўғил бола йиғлоқи бўлса, ғалати туюлади: “Ўғил бола йиғламайди, чида, дадил бўл!”, дейилади. Ўғил бола малласоч кўғирчоқ ўйнаса ёки тикиш-бичишга қизикса, ота-она хавотирга тушади. Қиз бола боксга тушаман ёки от миниб, чопаман деса ҳам шундай бўлади.

Аллоҳ қизларга нисбатан ўғил боланинг қалбига ғазабни кўпроқ жойлаган, чунки у жангчидир, юрт ва миллат учун, хонадони ва оиласи ҳимояси учун масъулдир, шу билан бирга, ана шу ғазабни ушлаб туриш учун ҳам чидамга, ҳиссиётни жиловлашга ўргатилади: “Ўғил боласан, жаҳл отига минма, ҳиссиётингни кўрсатма, йиғи ўғил болага ярашмайди”, — дейилади, босиқликка чақирилади. Эркак йиғламайди, йиғласа ҳам, майда-чуйдаларга йиғламайди, Ватан учун, миллат учун, эркаклик номуси учун йиғлайди, тўғрироғи курашади.

Ўғил бола эрқининг талабгоридир. Унга ҳаддан зиёд, ортиқча меҳрибонлик қилсангиз, ишларини қилиб бераверсангиз, буни ўзим қила олишимга ишонмасликдан деб билади. Унга эрк керак ва ўзининг қўлидан иш келишига ишонч керак. Қиз бола меҳрибонликни яхши кўради ва ўзи ҳам меҳру мухаббатга тўлиқдир. Қиз болага ёрдам бермасангиз, эътибор қилмасангиз, ота-онам менга

бефарқ, лоқайд деб билади, керак-сизман, деб ўйлайди, қиз болага меҳрингиз муҳим. Ўғил бола меҳр кўрсата олса, бировга нафи тегса, ўзини бахтли билади. Қиз бола меҳр кўрса, бахтли, агар меҳр кўрмаса, ҳаммасини ўзи қилиши керак бўлса, ёлғизлик ҳис қилади, бахтсизман, деб куюнади.

Албатта, бугунги илм шахс онанинг раҳмидаёқ, жинс тайин бўлгандаёқ, бош мия пайдо бўлгандаёқ майллар, хоҳишлар, интилишлар шаклланишини билади. Қазои қадар Лавҳи маҳфузда битилади...

Ўғил боланинг миясида қиз боланикидан тўрт миллионга кўп ҳужайра бор, аммо тестларда аёллар 3% кўпроқ натижага эга. Аёлларнинг мия қатламлари бир-бири билан 30 % зиёд нервлар билан боғланган. Аёл бир вақтнинг ўзиде кўп масалаларни ечишда давом этади, эркак муайян ишга асосли

ундоқ-бундоқ жароҳатланганда ҳам тилдан қолавермайди. Эрқакнинг нутқи атамалар ва ранг-баранг сўзларга бой бўлади, аёлнинг нутқида сўз кам бўлса-да, ҳис-ҳаяжон, нола ва оҳанг зиёдадир, аёлларнинг суҳбати таъсир кучи катта, шунинг учун, аёллар муаллим ва тарбиячиликни яхши эплайди. Эркак бир кунда 4000 сўз айтса, аёллар 8000дан зиёд сўз, 10 000 зиёд новербал товушлар чиқаради. Аёллар кўпинча ким биландир суҳбатлашса, эрқаклар кўпинча — ўзи билан ўзи суҳбатлашаётган бўлади.

Аёллар муносабатларда изчилликни ва том маънодаги яқинликни истайди, эркак эса боғланиб қолишни асирлик деб билади ва озодликдан бахтли бўлади. “Сен ўғил боласан, йиғлама, жиддий бўл”, деб катта қилинган ўғил бола ҳисларини кўз-кўз қилишдан ор қиладиган бўлади. У севгисини

опа-сингилларга — ўз аёлимиз ва қизларимизга, опа-сингилларимизга бошқалар қандай муомала қилишини истаганимиз каби муомала қилмоғимиз керак, уларнинг ору номусига қалқон бўлишимиз лозим.

Оиланг, хонадонинг ва юртдошинг номусидан кўтарилиб, сен ҳимоясига масъул бўлган буюк юкимиз — туркий миллатимиз, қадимий шавкатли давлатимиз ҳамда беонага қилинган табассумни ҳам садақа ва савоб санаган мубин динимизнинг шарафи ва номусини ҳимоя қилишга бурчли эканимиздир.

Миллат олдидаги масъулиятимиз — шу элнинг тилини юксак ва покиза тутиш, маданиятини асраш ва ривожлантириш, асл тарихини тиклаш, маънавиятини юксакка кўтариш, эътиқодига садоқат кўрсатиш, маддоҳликдан қочиш ва ҳамиша ростини сўзлашдир. “Буни оддий бир инсон қила оладими?” — деб сўрарсан. Миллатнинг сендай ўғиллари кўпдир, кўп бўлсин. Лекин масалан, миллат тили учун бошқа тилларни билиш баробарида она тилингни билсанг, пок сақласанг ва болаларингга ҳам етказсанг — миллатга хизматингдир. Мақтов билан оутмай, рост айтиб элнинг кўзини очсанг — миллатга хизматингдир, ўғил болалик бурчингни бажарганингдир.

Шу юртнинг, салтанат ўларок, боқийлиги, барқарорлиги, эрки ва бошқа салтанатлардан мустақиллигини асраш, шу заминда келгуси фарзандларимиз ҳаққи одил ва фаровон тузум барпо этиш — ўғилнинг Ватан олдидаги номус ва шараф юкидир.

Адолат ўрнатилишига оддий бир хизмат — ҳеч қачон пора бермаслик ва олмасликдир, масалан. Ишларни қонуний ҳал қилмоқдир.

Яхши ўғил бошимизни осмон қадар кўтаради, ёмон ўғил қаддимизни букади, бошимизни ердан ҳам пастга эгади.

Ўғлим, иймон — бу ҳаёдир, деган ҳикмат бор. Шундай яшамоғинг керакки, Ватан, миллат, халқ ва оиланг — ота-онанг, қардошларинг сендан фахрлансин, асло сен деб ҳижолат бўлмасин.

Эрқаклик, ўғиллик бурчимиз — оиламизга, миллатимизга, давлатимизга ва динимизга соҳиб чиқшимиздир.

Ўғил кўрганымда қувонганимнинг сабаби шудир. Ўйгонгин, унгин, ўсгин, болам.

Карим БАҲРИЕВ.

“ Ургутда қизми ё ўғилми, деб сўралганда, қиз туғилса: “Гўянда туғилди”, ўғил туғилса: “Тобуткаш туғилди”, — дейдилар.

Бунинг маъноси инсон ўтганда қизлари дод-войлаб, ота-онасининг қандай меҳрибонлигини айтиб-айтиб йиғлайди, айтувчи “гўянда” бўлади, лекин тобутни кўтармайди, жаноза ўқиб, қабристонга бормайди. Ўғил бола эса “тобуткаш” бўлиб, тобутни кўтаради, ота-онасининг совуқ танасини кўтариб, ўз қўли билан қабрга қўяди.

равишда киришади ва тугал ҳал қилади. Эркак жангчи ва овчидир, у рақибини ё овини кўздан қочирмаслиги керак. Аёл эса бир вақтнинг ўзиде ўнлаб ишларни кўз остига олади: масалан, овқат қилади, болани ҳам кузатади ва айни пайтда уйни саришталаб, озгина вақт қолса, пайпоқ ҳам тўқиб кетаверади.

Ўғил бола ва қиз бола ҳатто турлича ухлайди, неврологлар буни билади: уйқу пайтида эркак миясининг электрон фаоллиги 70% пастлайди, аёлнинг мияси эса — бор-йўғи 10% пастлайди, яъни уйни ва болаларни “қўриқлайди”. Бола йиғласа ҳам, ота ухлайверади, она жигарбандининг салгина ортиқча хўрсинишини ҳам эшитиб этади.

Эркак миясининг чап ярим шари нутқ ва уч ўлчамли кўриш учун масъулдир, шунинг учун агар эрқакнинг шу томони лат еса, у нутқдан қолади. Аёлнинг нутқи учун иккита ярим шари ҳам жавобгардир, шунинг учун

ҳам жиловлаб яшайди. Қувонч билгани каби, йиғини ҳам биладиган, кўнгилчан йигитлар севгини ҳам дилдан билади.

Ўғлим, бу Яратганининг ижоди-дир. Яшаш учун бунга кўникишимиз керак.

Абдулазиз, болам, билгилки, сени Аллоҳ ўғил қилиб яратди ва шунинг масъулиятини юклади. Аёллар бизга омонатдир, дедик. Ака бўлсанг, сингилларинг, ука бўлсанг, опаларинг, ўғил бўлсанг, онанг, эр бўлсанг, аёлинг, ота бўлсанг, қизинг сенга омонатдир. Шу шарафингдан келиб чиқиб, уларни асрагин, авайлагин ва омонатга хиёнат қилмагин. Бу оиладаги ва хонадонимиздаги мажбуриятимиздир, номусимиздир.

Уйдан кўчага чиққанда ва дунёга чиққанда билгилки, барча аёлларни ҳурмат қилиш, номусини асраш, эҳтиром қилиш эрқаклик бурчимиздир. Барча оналарга — ўз онамизни ҳурмат қилгандай эҳтиром қилишимиз керак, барча аёллар ва қизларга,



Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошингда қуюқ булут, кўлан-
ка?!..

Ярим кечаси уйғониб кетиб, тўртинчи қават-
даги уйим деразасидан ташқарига кўз солсам,
шаҳар қуюқ туман ичра ғарқ бўлган экан. Ва
ўша заҳоти миямда улуг Чўлпоннинг юқорида-
ги мисралари портлади.

Нега?!..

Бу савол ҳали-ҳамон ўз муносиб
жавобини топгани йўқ.

Муносиб жавобини топса,
улуг шоирларимиз ёзган шеър-
лар қоғозлардагина қоларди,
мияларда тинмай портламасди.

Чўлпон бобонинг туман ва
кўланкаси рамзий маънода эди.
Яъни бостириб келаётган хавф
рамзлаштирилганди. Бугун хавф
рамзлар қолипни парчалаб чиқиб,
реал мазмун касб этиб турибди. Бу-
гунги туман, кўланка, чанг, ғубор фақат
рамзий эмас, балки реал, нақдир!



Кескин чоралар вақти аллақачон келган

(ёки юз йиллар бурун
битилган икки мисранинг
бугунги, “экологик” шарҳи)

Нега?!..

Чунки ҳали-ҳамон ақлланмадик.

Туман ва кўланка деганда шоир асосан чо-
ризм, большевизм хавфини назарда тутган эди.
Яна жаҳолатни ҳам. Улар ҳамон бор. Бироқ энди
уларнинг ёнига дунё қадар бошқа хавфлар ке-
либ кўшилди: коррупция, таниш-билишчилик,
маҳаллийчилик, тор кўнгилчилик, илмсизлик,
соҳалардаги ёмон бошқарув, экологик муаммо-
лар, сифатсиз таълим, кадрлар масаласи...

Уммон ё денгизда сузиб кетаётган кемага
чўкиш хавф солар экан, одатда, оғир юклардан
халос бўлинади. Юқорида саналган ва яна са-
налмаган қанчадан қанча иллатларимиз миллат
кемаизни чўктираётган оғир, шу билан бирга,
зарарли юклардир. Биз уларни кутурган сувлар-
га отмасдан, кемаизни омон сақлай олмаймиз
— туманлар, кўланкалар қуршаб келиб, реал
мазмун касб этаверади.

Бас, кескин чоралар оладиган вақт аллақачон
келган: мамлакат бошкенти, юраги битта бўла-
ди, лекин унинг иқтисодий, маданий, интелек-
туал марказларини кўпайтириш керак. Нега, бу
борада Тошкентга яқинлашиб келадиган бошқа
шаҳарларимиз йўқ?.. Кўп йиллар бурун Леонар-
до Да Винчи тўғрисида бир фильм кўргандим.

Унда даҳо санъаткор ва мутафаккир у шаҳардан
бунисига кўчиб юраверади ва ҳаммасида ижод
учун, тафаккур учун имкон, шароит топаверади.
XV ва XVI асрда шундай эди. Бизда ҳалигача
(XXI асрда!) ўқийман, мутахассис бўламан де-
ган одам, ўзимдан қиёс, битта шаҳарга — Тош-
кентга югуради. Ҳаммамиз битта шаҳарга
чопаверганимиздан кейин унинг
унинг юки (хавоси, иқлими,
шароити!) оғирлашади-да.
Бироқ вилоятдан келаёт-

ган юртдошларни кўрагидан итаришни кўйиб,
хар бир вилоят марказини бой инфратузилмали
шаҳарларга айлантириш, ўқув ва саноат дар-
гоҳларини, иш ўринларини кўпайтириш лозим,
бас, хар ким аввало ўз кичик ватанида кўним
топишни афзал кўрсин. Одамлар Тошкентга ҳа-
васдан чопиб келмайди, иш, пул топармиканман
деган илинжда келади. Ишлаш, пул топиш ша-
роитини энг кўп Тошкентда яратиш кўйганимиз-
дан кейин Тошкентга келинади-да!.. Ана, худди
шундай имконлари бўлган дунёнинг турли мар-
казларига ҳам ўзимизни уряпмиз-ку!.. Агар мақ-
сад муаммонинг ечимини топиш бўлса, барча
ёндашувларда инсониятнинг ана шундай таъмал
эҳтиёжлари ҳисобга олинмоғи шарт! Бунинг бо-
шқа чораси йўқ.

Кейин катта шаҳарларда ўта сифатли жамоат
транспортини йўлга қўйиш керак. Шундай йўл-
га қўйиш керакки, шаҳарли одам шахсий маши-
насини кўйиб, масалан, замонавий травмайга
чиқишни афзал билсин! Битта трамвай юзлаб
одамни ўз бағрига олади. Демак, битта трам-
вай (автобус, минибус ва ҳ.к...) шунча машина-
лар ўрнини босади. Қарабсизки, кўчалардаги
тикин — тирбандликка ҳам барҳам берилган
бўлади. Муаммони тақиқлар билан эмас, балки

шу тарзда алтернатив имконлар яратиш орқа-
ли ечса, натижаси мустаҳкамроқ бўлади. Ҳатто
бошкентга вилоятлардан, шунингдек, Тошкент
вилояти районларидан турли сабаблар билан ке-
лаётган ватандошларимиз шаҳарга етиб келгач
ман қилингани учун эмас, йўқ, балки қулайлиги
учун шахсий автосини тураргоҳга кўйиб, жамо-
ат транспортига чиқишни маъқул кўрсин.

Ҳа, албатта, Тошкент ичи ва ташида яшил
зонларни, боғу паркларни кўпайтириш, ку-
рилишни қатъий назоратга олиш, мўрисида
заҳарли моддалар чиқараётган завод бўладими,

машина бўладими, буларга ҳам ечим топиш за-
рур. Бундай ишларни нафақат бошкентда, балки
бошқа барча кишлоғу шаҳарларимизда амалга
ошириш мақсадга мувофиқ.

Шуларни бажара оламизми?..

Йўқ эса, қиладиган битта ишимиз қолади,
у ҳам бўлса, бурнимизни оқизиш, овозимизни
ҳиркиратиш, кўзларимизни ёшлаб, Чўлпон бо-
бонинг юқоридаги икки мисрасини такрорлаш:

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошингла қуюқ булут, кўланка?!..

Шоир шу икки мисрага элнинг бутун дар-
дини, муаммосини жой айлаб қўйган. Ўзининг
майда, шахсий муаммоларини шиғирга айлан-
тириб минғирлайдиган “шаир”лардан безиб кетиб,
“Бизга шоир керакми?” дея негатив савол қўяёт-
ган юртдошларни тушунган ҳолда, чинакам, улуг
ижодкорлар дардига кулоқ солишни тавсия қи-
ламан. Зеро улар реал хавфдан, сизу биздан анча
олдин, айтилик, юз йиллар бурун, хабар беради.
Тинглаш-тингламаслик эса, яна ўзимизга тан:

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошингда қуюқ булут, кўланка?!..

Улугбек ҲАМДАМ,
ёзувчи

Ҳаётнинг буюк саволи

Эркинлик, бу — ёлгон гапир-
маслик ҳуқуқи.

Ҳаётнинг буюк саволи —
одамлар орасида қандай яшаш.

Гренйе коммунизм ҳақида:
“Адолат идеалини деб бемаъни-
ликларга рози бўлиш керакми”.
“Ҳа”, деб жавоб бериш мумкин,
бу — гўзал. “Йўқ”, деб ҳам жа-
воб бериш мумкин, бу — виждо-
нан бўлади. — Бутун масала ана
шунда.”

Эркин матбуот яхши ҳам, ёмон
ҳам бўлиши мумкин. Эркин матбу-
от фақат ёмон бўлади.

Камдан-кам одам санъатни
англашга қодир.

Ёзиш — миннатсиз юмуш демакдир.

Ману конуни:

“Аёлнинг дудоғи, ёш қизнинг
кўкси, гўдакнинг дуоси, қурбонлик
олови ҳамиша покиза”.

Албер Камю
«Кундалиқлар»идан

БОТКЕНТ ҒОРИ қайси даврга тегишли?

Фарғона вилояти Сўх
туманида жойлашган ушбу
ғор Сўх дарёсининг чап
соҳилида жойлашган.
1400 метр баландликда. Дарё
ўзанидан 110 метр баланд.
Ўрта девон лаврига мансуб
оҳақтошларда ҳосил бўлган.
Ғор оғзи равоқ шаклида, эни
10 метр, баландлиги 13 м.
Бир хонадан иборат.



Ўзинлиги 56 м, эни 2 —13 м, баландлиги эса 6 —18 м. Хона гумбаз
шаклида. Саҳни қалинлиги 2 м гача бўлган гуано ва қисман гил билан
қопланган. Ғорда кўршапалак галаси яшайди. Траси кириш жойида
25°, ичкарида 16°, намлиги 58% (июль). Умумий уз. 72 м, майд. 4040 м².

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”дан
олинди.



Коррупция — жамиятни ичдан емирадиган иллат. У инсон нафси, очлик табиати билан боғлиқ бўлиб, охирати ҳамиша беҳайрдир. “Оч қорним — тинч қулоғим” деган нақл бежиз айтилмаган. Кимдир бу ноҳуш одатга қарши очиқлик, шафоқлик орқали курашиш керак дейди. Бошқа биров замонавий техника ютуқларидан фойдаланиб, “инсон омили”ни истисно этиш лозимлигини айтади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ — МАВСУМИЙ ТАДБИР ЭМАС

Менимча, инсон тарбиясида бу ёмон иллатга нисбатан нафрат руҳини сингдириш муҳим саналади. Коррупционер ким? У адолатни оёқости қилган, кўпчиликнинг мол-мулкани йиртқич ҳайвон каби ютиб юборадиган зот.

Порахўр бўлиш учун инсоннинг ички олами нақадар чиркин, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган, ўзи ва оиласининг пок номига доғ туширадиган кимса бўлиши керак. Коррупцияга берилган шахсни қоралаш билан бирга, ҳалол ва пешона тери эвазига умргузаронлик қиладиган инсонларни ибрат қилишимиз керак.

Самарқандда Мамаюнус Пардаев деган мўътабар зот истиқомат қилади. Ижтимоий тармоқда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари докторининг “Мамаюнус Пардаев ҳикматларидан” деган саҳифа бор. Бу инсон бутун ҳаётини иймон-эътиқод, ростгўйлик, ҳалоллик, эзгулик билан безаб келяпти. Самарқандда маънавий тарбия билан боғлиқ тадбир бўлса, албатта, домлани тақлиф қилишади. Устоз ёшларга ўзини бағишлаган мавзу бўйича соатлаб маъруза ўқиши мумкин. У кишининг суҳбагида бўлсангиз, асло зерикмайсиз. Келинг, Мамаюнус Пардаевнинг ҳикматларига қулоқ тутайлик. Бу ўринда танлаб эмас, исталган ҳикматлар сизга маъқул бўлиши аниқ.

Бирор нарсанинг қадрига етиши учун ҳар бир киши ўзини қадрлашни билиши керак.

Ўз қадрини билмаган инсонга текин нарсанинг ҳам умуман қадри бўлмас экан. Чунки Аллоҳ бизга бир суткада 24 соатлик вақтни текинга бериб қўйган. Унинг қадрига етаяп-мизми?

Ҳар бир болани ота ҳамма нарса билан таъминлайди. Болалар учун у текин. Аммо болалар буни қанчалик қадрлайди?

Болаларга онанинг берган хизмати ва меҳри ҳам текин. Болаларимиз буни ҳам қадрлашни биладимиз?

Ҳаётимизда шундай одамлар қанча кўп бўлса, ёшларимиз улардан баҳраманд бўлиб, эзгу ниятлар билан Ватанга хизмат қилишса. Домланинг сабоғини олган йигит-қизлар ўзларидан фақат яхши нур таратиб, атрофни янада обод ва кўркем қилган бўлур эди. Ана шундай жойларда инсонларда “ҳалоллик вакцинаси” эмланар, биз орзу қилган жамият вужудга келарди. Ҳа, маънавият таратувчи ҳамюртимиз ўзга жойларда эмас, ёнимизда яшамокда. Фақат уларни қадрлашимиз, хурматини жойига қўйишимиз керак. Буям маънавият!

Баъзилар коррупцияни йўқотиб бўлмайди, деб ҳисоблашади. Шу фикрнинг ўзи асл максадимиз йўлидаги тўсиқдир. Янги Ўзбекистонни бунёд этишни қатъий аҳд қилган эканмиз, бу ишга мавсумий тус бермаслигимиз керак. Учинчи Ренессанс пойдевори ҳалол ва соф виждонли инсонлар саъй-ҳаракати билан яратилади.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ЖАМИЯТ
jamiyatgzt@mail.ru

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-110
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 14-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@mail.ru
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Ҳаётимизда

ИҚРОР

— Тўполонни қара!.. Ит эгасини танимади-я!
— Тўғри айтасан, сен ҳам мени танимадинг-а?..

ҚОЙИЛ ЭМАС

— Тежамкорлигимга энди қойил қоларсиз, дадаси,
— деди бир куни хотини Ҳасисхўжага. — Ўзимнинг эски қўйлагимдан сизга галстук тикиб қўйдим.
— Мутлақо қойил эмасман. Мен сенинг тежамкорлигингга қачон тан беришим мумкинлигини айтайми?
— Айтинг-чи...
— Менинг эски галстугимдан ўзингга қўйлақ тикиб олганингда.

РАНГ-БАРАНГЛИК ЯХШИ

— Чувқараларинг ҳар хилми, хотин, бири қатта, бири кичик-а?
— Ахир, ўзингиз бир хил овқат еявериш жонга теғди, дедингиз-ку, дадаси.

«НЕЧА ЙИЛ ЎҚИЙСАН?»

«Андижон — Тошкент» поездида кетаётганимизда бир оксоқол сўраб қолди:

— Тошкентда ўқийсанми, болам?

— Ҳа, отахон.

— Беш йиллик ўқишдами?

— Йўқ, институтни тугатганман. Аспирантурада ўқийман.

— У қанақа ўқиш?

— Илмий иш қиламиз-да.

— Ўқийсанми, ишлайсанми?

— Ўқийман, аспирантурада. Тажрибалар ўтказамиз, диссертация ёзамиз.

Оксоқол яна анча ўсмоқчилаб суриштирди, тушунтиришга аракат қилдим. Охири яна сўради:

— Неча йил ўқийсан ўзи?

— Уч йил.

— Э, болам-а, шунча бошимни айлантирмай техникумда ўқийман, деб қўяқолсанг-ку бўлади-я.

Ҳабиб СИДДИҚ.



“Бас, фано туфроғи бўлдук...”

*Нозанинлар, бенаволарга тараххум айлангиз,
Лутф агар йўқтур, газаб бирла такаллум айлангиз.
Гаҳ бийик, гаҳ наст гирён кўрсангиз ушиоқни,
Фош кулмассиз, ниҳон боре табассум айлангиз.
Ҳажр зулмидин қотиқ ҳолимни, эй жону кўнгул,
Билдингиз, ёр олдида бориб такаллум айлангиз.
Эй балову дард, ўтлар худ солибсиз жонима,
Лек сиз ҳам гаҳ-гаҳ ул ўттин таваҳхум айлангиз.
Қон агар ютсам қарориб ахтарим, эй хатту хол.
Сиз майи лаъли била боре танаъум айлангиз.
Бас, фано туфроғи бўлдук дайр аро, эй аҳли зуҳд,
Хонақоҳ саҳнида сиз баҳси тақаддум айлангиз.
Эй муғаннийлар, Навоий маст эди – кеч уйгонур,
Они уйғотмоққа бир дилкаш тараннум айлангиз.*

(“Бадоеъ ул-васат”, 217-ғазал)

ҳақиқий ишқ соҳиби. Ҳолдан ҳолга, мақомдан мақомга, даражадан даражага юксаладиган ошиқда эса турли кайфият намоён бўлиши муқаррар. Шундай экан, ошиқнинг аҳволдан хабардор бўлмай туриб, ошиқлик сир-асрори, кайфияту завқини ҳис этмай туриб очик-ошқора — масҳараомиз кулманг, балки унга илтифот ила яширин — енгил табассум қилинг, кўнглига озор етмасин.

*Ҳажр зулмидин қотиқ ҳолимни,
эй жону кўнгул,
Билдингиз, ёр олдида бориб
такаллум айлангиз.*

Ўртаниш, кийналиш, изтиробу алам чекиш, яъни ишқни теран англай олиш жон ва кўнглига хос. Кўнгул — маъною маърифат кони. Кўнгул — ўзлик кўзгуси. Жон эса унда яширинган. Ҳажр — ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги тўсиқ. Ошиқнинг ишқда собит бўлиб, висолга сазовор бўлгунича тортган барча машаққатлари, захматлари, айрилиқ изтироблари “ҳажр зулми” истораси воситасида жонли ифодаланган. Жону кўнгул эса бу йўлда воситачи: Ёр олдида ошиқ ҳолатини ошқора баён этиб, унинг аҳволи шарҳини рўй-рост ифода этадиган ҳақиқат тимсолларидир.

*Эй балову дард, ўтлар худ
солибсиз жонима,
Лек сиз ҳам гаҳ-гаҳ ул ўттин
таваҳхум айлангиз.*

Ўт — ишқ рамзи. “Хамса”нинг энг қайғули, дардли достони “Лайли ва Мажнун”да Мажнун ҳамиша ўтга талпинади. Чунки ўт — ишқ жозибаси. Шу сабабли, мумтоз адабиётда шам ва парвона ҳамиша ёнма-ён тасвирланади ва парвона шамга — унинг ёлқинига шайдо ошиқ образи сифатида гавдалантирилади. Бу ўтти ошиқ кўнглига Бало ва Дард солган. Бало ва дард — ошиқ учун синов. Уни енгил ўтган, сабр-бардош билан ишқ машаққатларига чидаган солиқ — ошиқгина ёр жамолига муяссар бўлади. Сўфийлар-

га кўра, дўстнинг турли балолар билан имтиҳон қилиши ҳам бандани Ҳаққа яқинлаштиради. Сўфийнинг асл мақсади ҳам аслида — мана шу. Лирик қахрамон — ошиқ қатъият эгаси, метин ирода соҳибидир. “Балову дард”га мурожаат қилиб, уларни ўтда ёндирмоқдан — ишқ йўлида барча азобларга чидашга тайёр эканини айтишдан мурод ҳам шу.

*Қон агар ютсам қарориб
ахтарим, эй хатту хол.
Сиз майи лаъли била боре
танаъум айлангиз.*

Ошиқ толеидан марҳамат кутиб, васл умидида қонлар ютади. Шоир нимага айнан хатту холга мурожаат этаётир? Чунки хол — ёрнинг чиройини намоён этувчи восита. Ирфоний шеъриятда хол деганда ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳам тушунилган. У Ҳақнинг яғоналигига ҳам ишора қилади. Хол идрок ва шуурдан панада, чунки хол илоҳий ҳақиқат рамзидир. Унинг сирларига етиш ошиқ учун ҳам орзу! Хат — маъшуқа лабларининг устида билинар-билинемас намоён бўладиган майин тукчалар. Тасаввуфда хат — улуғлик ва буюкликнинг хижоби, пардаси ҳамдир. Маҳбуб юзида латофат, нозиклик, гўзаллик билан хат чизилган — у барча хусни жамол нуқталарини бир ерга жамловчидир. Байтда ошиқнинг хату холга юзланиш орқали енгил таънаси, ўпка-гинаси ҳам сезилади: Мен толе юлдузим порлашини кутиб, сабру қаноатда изтиробу алам югай, эй хату хол, сизлар ёримнинг “лаъли”, яъни лаблари билан шодлик, фараҳ ва завқ майидан ичиб шодланинглари. Байтда қарама-қарши ифода — тазод санъатини қўллаш билан маъшуканинг чиройу таровати ва ошиқнинг ҳолати ҳам теранроқ очилган.

*Бас, фано туфроғи бўлдук дайр
аро, эй аҳли зуҳд,
Хонақоҳ саҳнида сиз баҳси
тақаддум айлангиз.*

Дайр, аслида, насронийлар ибодатгоҳи. Аммо мумтоз адабиётда завқу шавқ, илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон — орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ манбаини тамсил қилади. Тасаввуфда дайр тимсоли илоҳий завқу шавқ, маърифат тўлиб тошган комил инсон, орифнинг ички, ботиний оламига ишорани ҳам англатади Дайр бу дунёнинг ўткинчи хою хавасларидан, турли-туман ёлғону сохталиклардан узилиб, кўнгул осойишталик топадиган, руҳ сокинликка етишадиган маънавий маскан, илоҳий олам саналади. Фано — йўқлик ичра тупроққа тенг бўлиш билан фақр ҳолига ишора қилинган. Яъни ўткинчи нафс исқанжасидан, кибру ҳаводан қутилиб, кўнгулни ёр соғинчи ила банд айлаб, пок муҳаббат лаззатидан завқ туйиш — чинакам фақирликдир. Ирфоний адабиётда ҳам ишқ — сабр-қаноат, захмат, риёзат билан шакллланган руҳ ва вужудни мосуводан буткул халос айлаб, фақру фано завқи шавқи ила яшаш демак.

Мумтоз шеъриятда зоҳидлар мазаммат қилинади — қораланади, ҳақиқий ишқ эгалари — ошиқларга қарама-қарши кўйилади. Юқоридаги байтда “аҳли зуҳд” — зуҳд аҳли деганда ҳақиқий ишқдан беҳабар, унинг асл мазмуни, моҳиятини англамайдиган, фақат одамлар кўзи учунгина тоат-ибодат қилувчи сохтакор кишилар гавдалантирилган — қораланган. Аниқроғи, зоҳид муҳаббат лаззатининг завқу шавқини ҳеч ҳам ҳис қилолмайди, ундан фараҳ туя олмайди. Хонақоҳ — сохта ибодат қилинадиган, илоҳий маърифатдан йироқ макон рамзи бўлиб келган. Унда юзаки баҳс-мунозара, ўткинчи муҳокамалар билан вақтни зое ўтказиш, ёлғону риё билан кўз-бўямачилик қилиш ошиқ табиатига ётдир.

*Эй муғаннийлар, Навоий маст
эди – кеч уйгонур,
Они уйғотмоққа бир дилкаш
тараннум айлангиз.*

Муғанний — кўшиқчи. Ирфоний шеъриятда муғанний ошиқ кўнглига илоҳий ишқни жо этувчи, ҳақиқат сир-асрорларини очувчи, ошиқни ишқ уммониға фарқ қилувчи комиллик тимсоли. Мастлик — ишқнинг ғалаботи. Дилкаш наво — ишқ завқу шавқидан фараҳ туйган, висол лаззатидан эрку хурлик чўққисига кўтарилган, камолот касб этган кўнгулга инадиган илоҳий маърифатдир.

Мақсуд АСАДОВ.

Навоий шеърияти — қалб шеърияти, руҳ шеърияти, инсон фикрату фитратида кўз очган тафаккур чечакларидир. Ундаги туйғулар жаранги кўнгул қасрида акс-садо беради. Тахайюл кенгликларидан бағрини тонг шамолига очиб хурлик эпкинларидан хузурланган юрак нолалари бу шеърият. Зуваласи ишққа қорилган, борлиғи ишққа йўғрилган, ўзлигини ишқдан топган чин ошиқ шарҳи холи бу шеърият.

*Нозанинлар, бенаволарга
тараххум айлангиз,
Лутф агар йўқтур, газаб бирла
такаллум айлангиз.*

Нозанинлар — бекиёс гўзаллар, камолот соҳиблари. Бенаво эса бечора, фақир, афтодаҳол, шунингдек, мумтоз адабиётда ишқсиз кишилар маъносида ҳам келади. Аммо бу ўринда сўзнинг дастлабки маъноси устун. Чунки “нозанинлар”дан “тараххум айла”ши — раҳм қилишини сўраш билан лирик қахрамон — ошиқнинг ёр илтифотига эҳтиёж-мандлиги ифода этилган.

Лутф бу — ширин калом, ёқимли сўз. Агар унга лойиқ кўрилмаса, чинакам ошиқ учун ёрининг қаҳру ғзаби ҳам унинг ширинсуханлигига, хуш муомаласига теппа-тенгдир.

*Гаҳ бийик, гаҳ наст гирён
кўрсангиз ушиоқни,
Фош кулмассиз, ниҳон боре
табассум айлангиз.*

Мумтоз адабиётда тасвирланган “ушшоқ” — ошиқларни улуғликда, эҳтирому иззатда, яъни висол лаззатидан баҳраманд — хурсанд, шодон ва мағрур қиёфада кўриш ҳам мумкин. Кўпинча ошиқ оху нола чеккан ғамгин аҳволда — хижрон-айрилиқдан изтироб тортган ҳолда гавдалантирилади. Чунки ошиқ хол кишиси,